QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 19» sentabr № 481 Toshkent sh.

## Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарорига фуқароларнинг пенсия таъминотига оид миллий қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Ҳукуматнинг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини янада кучайтириш ҳамда моддий қўллаб-кувватлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги амалий ишларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва бир-бирини такрорловчи нормаларни бартараф этиш зарурати юзага келмоқда.

Миллий қонунчилик базасининг тизимлилигини таъминлаш, ундаги ортиқча ва ўз ҳуқуқий аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш орқали давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янги босқичларга олиб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармонига асосан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарорига 1-иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

пенсияни Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат қилиш орқали вақтинча тўхтатиб туриш тартиби;

100 ёшга тўлган фуқароларга ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида қўшимча ҳужжатлар талаб этмаган ҳолда “проактив” шаклда қўшимча тўловни тайинлаш ва тўлаш тартиби;

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини қайта ҳисоблаб чиқиш ва якка тартибдаги коэффициентни аниқлаш тартиби;

пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдларини юритиш, расмийлаштириш ва сақлаш тартиби;

пенсияни тайинлаш, қайта ҳисоблаш, пенсия турини ўзгартириш, пенсияни тиклаш, пенсиядан улуш ажратиш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А.Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “19” сентябрдаги 481-сон қарорига
1-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** Қуйидаги мазмундаги $2^1$-банд билан тўлдирилсин:

“$2^1$. Қуйидагиларни назарда тутувчи Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом $1^1$-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби;

иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти формуласи.”.

**2.** 1-иловада:

1) 2-банднинг саккизинчи хатбошисидаги, 7-иловадаги, 9–11-иловалардаги, 20 – 21-иловалардаги “Молия вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Ташкилот маъмурияти пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладиган ходимларга пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни олдиндан тайёрлаши ва зарурат бўлганда етишмаётган ҳужжатларни ташкилотлардан сўраб олиш чораларини кўриши лозим.

Ташкилот маъмурияти тўпланган барча ҳужжатлар асосида пенсия тайинлаш учун тақдимномани расмийлаштиради ва Ягона миллий меҳнат тизими идоралараро дастурий-аппарат комплекси (кейинги ўринларда — “ЯММТ” ИДАК) орқали пенсионер яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига юборади”;

3) 6-банд бешинчи хатбошисининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Пенсия сўраб мурожаат қилган ходим маъмурият қароридан норози бўлса, у пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризани яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига ушбу Низомга 22-иловага мувофиқ шаклда ариза беради”;

4) 11-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

“Бундан “ЯММТ” ИДАКда мавжуд бўлиб, ушбу банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида келтирилган ахборот тизимларида фуқаронинг 2005 йилдан кейинги даврлар учун иш стажи ва иш ҳақига оид маълумотлар бўлмаган ҳолатлар мустасно”;

5) 17-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қонуний вакил ариза билан бирга паспорт ёки идентификацияловчи ID-картани тақдим этади.”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қонуний вакил шахснинг васийси ёки ҳомийси эканлиги ҳолати Пенсия жамғармаси бўлими томонидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг “Болаларни васийлик, ҳомийлик ва фарзандликка олиш” ахборот тизимига юборилган электрон сўровига асосан олинган маълумот асосида аниқланади”;

6) 23-бандда:

қуйидаги мазмундаги биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахсини, ёшини, жинсини, яшаш жойини тасдиқлайдиган маълумот сифатида “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар қабул қилинади.”;

биринчи ва иккинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

7) 24-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ишчи ва хизматчиларнинг ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларга хизмат сафарига юборилганлиги хизмат сафарига юборилган ходимнинг меҳнат дафтарчасидаги (электрон меҳнат дафтарчаси) қайдлар ҳамда ташкилот ёки архив идораларидан берилган маълумотномалар асосида аниқланади”;

8) 54-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

“Бундан “ЯММТ” ИДАКда мавжуд бўлиб, ушбу Низомнинг 11-банди бешинчи ва олтинчи хатбошиларида келтирилган ахборот тизимларида бўлмаган, фуқаронинг 2005 йилдан кейинги даврларга оид иш стажи ва иш ҳақига оид маълумотлар келиб тушган ҳолатлар мустасно”;

9) 61-банднинг бешинчи хатбошисидаги “ахборот тизимига юкланади” сўзлари “ахборот тизимида рўйхатга олинади ҳамда ахборот тизимига юкланади” сўзлари билан алмаштирилсин;

10) 77-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“77. Иш ҳақи ҳисобланган иш ҳақи суммасидан олинади.

Иш ҳақини гувоҳлар кўрсатмаси асосида аниқлашга йўл қўйилмайди. Штат жадвалидан кўчирмалар ва жамоат ташкилотларининг аъзолик билетлари ҳақиқий иш ҳақини тасдиқлайдиган ҳужжат ўрнини боса олмайди.

Архив маълумотларини тақдим этмасдан иш стажини аниқлаш:

2005 – 2016 йиллар даври учун – жамғариб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

2016 – 2018 йиллар даври учун – фуқароларнинг Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2019 йил учун – фуқароларнинг иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – “ЯММТ” ИДАКда мавжуд маълумотлардан келиб чиқиб амалга оширилади.

Архив маълумотларини тақдим этмасдан иш ҳақини аниқлашда:

2005 – 2016 йиллар даври учун – жамғариб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

2016 – 2018 йиллар даври учун – фуқароларнинг Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – фуқароларнинг иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланилади.

Ушбу банднинг тўртинчи – еттинчи ва тўққизинчи – ўн биринчи хатбошиларида кўрсатилган даврлар учун архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар қисман мавжуд бўлганида ёки ноаниқ маълумотлар мавжуд бўлганида Пенсия жамғармаси бўлимининг сўрови ёки фуқаронинг мурожаати асосида фойдаланилади.

Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар қисман мавжуд бўлмаган ҳолларда мавжуд бўлмаган даврлар учун иш ҳақини аниқлаш учун минтақавий коэффициент ҳисобга олинмасдан, қонунчиликда тегишли даврлар учун белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорлари қабул қилинади.

Пенсия тайинлаш учун берилган ҳужжатларда ишончсиз маълумотлар ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни бузадиган тузатишлар аниқланганда, Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлашгача уларни текшириши ёки қўшимча маълумотлар тақдим этиш ёки иш ҳақи тўғрисида берилган маълумотномаларга тушунтиришлар бериш тўғрисида ёзма сўров юбориши шарт”;

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



11) 105-бандда:

биринчи хатбоши “100 фоизи миқдорида” сўзларидан кейин “ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 4 июндаги ПФ–6241-сон Фармонига мувофиқ белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи вафот этган боқувчининг ҳар бир оила аъзоси учун пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи – тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“100 ёшга тўлган ва ундан ошган пенсия ёки нафақа олувчиларга қўшимча тўлов Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўланаётган пенсия ёки нафақасига қўшиб белгиланади.

Қўшимча тўлов 2015 йилнинг 1 майига қадар 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқароларнинг пенсиясига 2015 йилнинг май ойидан бошлаб;

2022 йилнинг 1 мартига қадар 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқароларнинг нафақасига 2022 йилнинг март ойидан бошлаб ҳамда 2022 йилнинг 1 мартидан кейин нафақа олувчи 100 ёшга тўлган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ҳар ойда пенсия ёки нафақа олувчининг мурожаатисиз ахборот тизимидаги маълумотлар асосида “проактив” шаклда Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тайинланади.

Белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори ўзгарганда, қўшимча тўлов пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорига мутаносиб равишда ўзгартирилади.

Қўшимча тўловни тўлаш фуқарога тўланаётган пенсия ёки нафақа тўлаш тўхтатилганда ёки тўхтатиб турилганда ушбу Низомда белгиланган қоидалар асосида тўхтатилади ёки тўхтатиб турилади.

Фуқаро томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган қўшимча тўловнинг ҳисобланган суммаси ўтган вақт учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларига мувофиқ пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорлари оширилиши ҳисобга олинган ҳолда бир йўла Қонуннинг 59-моддаси талаблари асосида тўланади”;

12) 106-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда Ўзбекистон Республикасидан доимий яшаш учун кетган фуқарога ёшга доир пенсия, унга илгари ёшга доир пенсия тайинлангандан кейинги орттирилган иш стажлари инобатга олинмасдан ҳисобланади”;

13) 110-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



14) 112-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Вафот этган боқувчининг фарзандлари, ака-укалари, опа-сингиллари ва набиралари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини 18 ёшга тўлгунига қадар олиш ҳуқуқига эга”;

тўртинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

15) 119-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“119. Пенсия жамғармаси бўлимининг иш юритувчиси пенсия ёки нафақа олувчининг сўровига асосан ахборот тизимидаги маълумотлар асосида ушбу Низомнинг 23-иловасига мувофиқ шаклда пенсия гувоҳномасини расмийлаштиради. Бунда гувоҳномани расмийлаштириш учун пенсия ёки нафақа олувчининг тегишли фотосурати ахборот тизими орқали иш юритувчи томонидан чоп этилади.

Пенсия гувоҳномаси бланки қатъий ҳисобда турувчи расмий ҳужжат ҳисобланади ва Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи томонидан тайинланган масъул ходимда сақланади.

Пенсия гувоҳномаси берилишининг ҳисоби ахборот тизими орқали иш юритувчи томонидан юритилади.

Иш юритувчи лавозими мавжуд бўлмаган Пенсия жамғармаси бўлимларида ушбу вазифалар Фуқароларга хизмат кўрсатиш шуъбаси (кейинги ўринларда – шуъба) мутахассиси томонидан амалга оширилади”;

16) 125-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“125. Пенсионер пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш учун асос пайдо бўлган тақдирда пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шуъба мудири аризани илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда бўлим бошлиғига кўриб чиқиш ва тегишли кўрсатма (резолюция) бериш учун ахборот тизими орқали юборади.

Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи ариза ва бошқа ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, ахборот тизими орқали кўрсатма (резолюция) берганидан сўнг ахборот тизимида пенсия ёки нафақани қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза автоматик тарзда рўйхатдан ўтади ва шуъба инспекторига ижро учун юборилади.

Шуъба мудири пенсия олувчи аризасининг тегишли қисмини қирқиб олган ҳолда ариза қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат беради, бунда тилхат нусхаси тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда Пенсия жамғармаси бўлимида сақланади.

Ариза керакли ҳужжатлар билан бирга қайд этилганидан сўнг, шуъба инспектори пенсиянинг янги ҳисоб-китобини (қайта ҳисоблашни) амалга оширади ва комиссияга қарор қабул қилиш учун тақдим қилади.

Шуъба мудири лавозими мавжуд бўлмаган Пенсия жамғармаси бўлимларида ушбу вазифалар шуъба мутахассиси томонидан амалга оширилади";

17) 133-банднинг тўртинчи хатбошиси "ўқувчи ёки талаба эканлиги" сўзларидан кейин ", ўқувчи ёки талабалар сафидан, шунингдек, академик таътилга чиқарилганлиги" сўзлари билан тўлдирилсин;

18) 144-банд "Пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш (қайта ҳисоблаш) ва тўловларни ташкил қилиш шуъбаси инспектори" сўзлари "Шуъба мутахассиси" сўзлари билан алмаштирилсин;

19) 146-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Бунда пенсионер вафот этган ойда, жумладан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар тўланиши керак бўлган ойнинг биринчи санаси узоқ муддатли дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келиши сабабли келгуси ой учун муддатидан аввал унинг банк пластик картасига кирим қилинган маблағлар Пенсия жамғармасига қайтарилмайди";

20) 153-бандда:

биринчи хатбоши "рўйхатга олинган бўлса, пенсия" сўзларидан кейин "ёки 100 ёшга тўлган ва ундан ошган пенсия ёки нафақа олувчиларга қўшимча тўлов" сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги ", бироқ ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган пайтдан бошлаб" сўзлари "бошлаб Қонуннинг 59-моддасида белгиланган муддат асосида" сўзлари билан алмаштирилсин;

21) 155-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"155. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси вафот этган боқувчининг оила аъзосига 18 ёшга тўлгунига қадар тайинланади ва тўланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва қўшимча тўлов таълим ташкилотининг ўқувчиси ва талабаларига ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунига қадар тайинланади ва тўланади.

Вафот этган боқувчининг умумий ўрта таълим ташкилотининг сўнгги синфида ўқувчи сифатида таълим олаётган 18 ёшдан катта ёшдаги оила аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси жорий ўқув йилининг 1 июлига қадар тўланади.

Вафот этган боқувчининг таълим ташкилотига ўқувчи ёки талаба сифатида қабул қилинган 18 ёшдан катта ёшдаги оила аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси у ўқувчи ёки талабалар сафига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тўланади.

Вафот этган боқувчининг таълим ташкилотининг ўқувчиси ёки талабаси ҳисобланган 18 ёшдан катта ёшдаги вафот этганнинг оила аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси сўнгги ўқув йилининг 1 августига, бироқ вафот этганнинг оила аъзоси 23 ёшга тўлгунига қадар тўланади.

Вафот этган боқувчининг 18 – 23 ёшдаги оила аъзоси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги таълим ташкилотининг ўқувчиси ёки талабаси эканлиги Пенсия жамғармаси бўлими томонидан мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ахборот тизимидан олинган электрон сўров орқали аниқланади. Бунда боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг тўлови Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ахборот тизимидан олинган маълумотлар асосида аниқланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи оила аъзосига академик таътилга чиққан давр учун тўланмасдан тўхтатиб турилади. Бунда пенсия тўлови академик таътил тугаган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тикланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси вафот этган боқувчининг 18 ёшдан катта ёшдаги оила аъзоси таълим ташкилотидан ўқувчи ёки талабалар сафидан чиқарилган ойнинг биринчи санасидан бошлаб тўхтатилади.

Бунда, академик таътил ва талабалар сафидан чиқарилганлиги тўғрисида маълумотлар тегишли таълим ташкилоти томонидан ахборот тизими орқали электрон шаклда, электрон шаклда тақдим этиш имконияти мавжуд бўлмаганда боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи шахс томонидан Пенсия жамғармаси хабардор қилинади”;

22) 156-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 157-банднинг учинчи хатбошисидаги “олдинги ўн икки ойдан ошмаган давр учун” сўзлари “Қонуннинг 59-моддасида белгиланган муддат асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

23) 159-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“пенсияни тўлашни тўхтатиб туриш тўғрисида пенсионер ариза ёки сўровнома орқали мурожаат қилганида;”;

24) қуйидаги мазмундаги $159^1$ ва $159^2$-бандлар билан тўлдирилсин:

“$159^1$. Пенсионер пенсия тўлашни тўхтатиб туришни сўраб Пенсия жамғармаси бўлимига ёки Давлат хизматлари марказига бевосита ўзи келиб ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Пенсия тўлашни тўхтатиб туриш ушбу Низомга 25-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Пенсионер пенсия тўлашни тўхтатиб туришни сўраб Пенсия жамғармаси бўлимига бевосита ўзи келиб, ушбу Низомга 26-иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилганида, ариза Пенсия жамғармаси бўлими шуъба мудири томонидан қабул қилинади ва ахборот тизимида ариза расмийлаштиради ҳамда аризада кўрсатилган санадан бошлаб пенсияни тўлаш тўхтатиб турилади.

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



Пенсионер Давлат хизматлари марказига бевосита ўзи келганида Давлат хизматлари маркази ходими пенсионернинг номидан, пенсионер ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, мустақил равишда ушбу Низомга 27-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

Сўровномага зарур маълумотлар киритилгандан сўнг, мурожаатчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Шуъба мудири лавозими мавжуд бўлмаган Пенсия жамғармаси бўлимларида ушбу вазифалар шуъба мутахассиси томонидан амалга оширилади.

$159^2$. Пенсионер томонидан сўровномани тасдиқлашнинг рад этилиши давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Агар сўровномада пенсионернинг нотўғри маълумотлари кўрсатилган бўлса, ушбу камчиликларни бартараф этиш учун пенсионерга беш кун муддат берилади ҳамда давлат хизмати кўрсатилиши муддатининг ўтиши камчиликларни бартараф этиш вақтида тўхтатиб турилади.

Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаганлиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

Пенсионер давлат хизматларидан фойдаланишни уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида рад этиш ҳуқуқига эга. Пенсионер давлат хизматидан фойдаланишни рад этганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

Пенсионер давлат хизматлари марказига бевосита ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, мурожаат қилувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг 5 дақиқа ичида, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда автоматик тарзда Пенсия жамғармасининг ахборот тизимига электрон шаклда юборилади.

Пенсия жамғармаси ахборот тизими пенсионернинг пенсия тўловини тўхтатиб туриш ҳақидаги сўровномаси келиб тушган вақтнинг ўзида пенсия тўловини ахборот тизимида автоматик тарзда тўхтатади ва шу вақтнинг ўзида бу ҳақдаги маълумотни тегишли давлат хизматлари марказига юборади.

Давлат хизматлари маркази Пенсия жамғармаси бўлимидан маълумотларни олганидан сўнг 5 дақиқа ичида пенсияни тўлаш тўхтатилганлиги тўғрисида пенсионерни хабардор қилади.

Пенсия тўлашни тўхтатиб туриш учун ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, Пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсионернинг мобил телефон рақамига пенсия тўлови тўхтатилганлиги тўғрисида SMS-хабар юборилади.

Пенсия тўлашни тўхтатиб туриш юзасидан давлат хизмати кўрсатилганлиги учун йиғим ундирилмайди";

25) 162-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари "олинмай қолган пенсия" сўзларидан кейин "ёки 100 ёшга тўлган ва ундан ошган пенсия ёки нафақа олувчиларга қўшимча тўлов" сўзлари билан тўлдирилсин;

26) 163-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"163. Доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кетишгача тайинланган пенсия ёки 100 ёшга тўлган ва ундан ошган пенсия ёки нафақа олувчиларга қўшимча тўлов (Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган давлатлар бундан мустасно) Пенсия жамғармаси бўлимига кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги пенсия ёки қўшимча тўлов миқдори ҳисоб-китобидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига жўнаб кетишдан 6 ой аввал Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

Пенсия ёки қўшимча тўлов тўлов тўланадиган олти ойлик давр Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш учун кетишдан аввалги олти ой учун пенсия ёки қўшимча тўловни тўлаш учун аризада кўрсатилган санадан бошлаб ҳисоблаб чиқилади, бунда ариза берилган ойда ҳисобланган (тўланган) пенсия ёки қўшимча тўлов пули ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси билан пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган давлатларга, доимий яшаш учун кетаётган фуқароларга тайинланган пенсия ёки қўшимча тўловлар турар жойидан рўйхатдан чиққан ойнинг охиригача тўлиқ миқдорда тўланади";

27) 175-бандда:

биринчи ва тўртинчи хатбошилардаги "пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш (қайта ҳисоблаш) ва тўловларни ташкил қилиш шуъбаси" сўзлари "шуъба" сўзи билан алмаштирилсин;

28) 177-банднинг учинчи хатбошисидаги "аудит," сўзи "назорат" сўзи билан алмаштирилсин;

29) 181-банддаги "Пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш (қайта ҳисоблаш) ва тўловларни ташкил қилиш шуъбаси ходими" сўзлари "Шуъба мутахассиси" сўзи билан алмаштирилсин;

30) 187-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"187. Ахборот тизимида қуйидагилар Пенсия жамғармаси бўлими шуъба мудири томонидан электрон тарзда расмийлаштирилади, юритилади ва сақланади:

пенсия ва нафақа олувчиларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди;

пенсияни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш;

пенсия (нафақа)ни қайта ҳисоблаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш;

уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларини тайинлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш;

пенсия тўлашни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза ёки сўровномани рўйхатга олиш;

пенсия тайинлашни рад этиш, қўшимча текширишни ўтказиш ва қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги комиссия қарори;

I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс, шунингдек, 80 ёшга тўлган кексага қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномасини рўйхатга олиш;

пенсия ёки нафақа олувчининг яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш;

комиссия ёки ижро ҳужжатларига асосан пенсия ёки нафақадан чегирма қилиш тўғрисида қарорларни рўйхатга олиш;

пенсия ёки нафақа олувчиларга берилган гувоҳномаларни рўйхатга олиш.

Ахборот тизимида аризаларни рўйхатга олиш йил бошида биринчи рақам билан бошланади, йил охирида эса сўнгги рақам билан якунланади.

Ахборот тизимида шахснинг аризасини расмийлаштиришда қуйидаги маълумотлар шуъба мудири томонидан киритилади:

аризачининг шахсга доир ва идентификация қилиш мумкин бўлган маълумотлари;

аризанинг мазмуни ва ариза тақдим қилинган сана;

аризачининг мобил телефон рақами.

Шуъба мудири иш юритувидаги пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдларининг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши ва юритилиши тартибига риоя қилиниши учун жавобгардир.

Шуъба мудири бўлмаган тақдирда, унинг вазифалари Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғининг буйруғига асосан шуъба мутахассисига юклатилади.

Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдларининг расмийлаштирилиши ва юритилишини назорат қилади.

Шуъба мутахассиси ишдан бўшаганда, бошқа лавозимга ўтганда ёки қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда иш юритувидаги пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдларини қабул қилиш ҳамда топшириш Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғининг буйруғи асосида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади ҳамда далолатнома билан расмийлаштирилади";

31) қуйидаги мазмундаги $187^1$ – $187^6$-бандлар билан тўлдирилсин:

“$187^1$. Уй-жой коммунал хизматлари учун компенсация пул тўловларини тайинлаш тўғрисидаги ариза ушбу Низомга 24-иловага мувофиқ шаклда Пенсия жамғармаси бўлимига топширилади ёки почта орқали юборилади.

Пенсия ёки уй-жой коммунал хизматлари учун компенсация пул тўловларини тайинлаш учун ариза берган шахс томонидан тақдим этилган ёки почта орқали юборилган ҳужжатлар шуъба мудири томонидан қабул қилинади ва ахборот тизимида расмийлаштирилиб, рўйхатдан ўтказилади.

Шахс пенсия тайинлашни сўраб Пенсия жамғармаси бўлимига бевосита келиб мурожаат қилганида, шуъба мудири у томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва кўрсатмалар асосида ахборот тизимида шахс тўғрисидаги маълумотларни киритган ҳолда ушбу Низомга 22-иловага мувофиқ шаклдаги аризани шакллантиради ва чоп этади.

Аризада келтирилган маълумотлар пенсия тайинлаш учун мурожаат қилувчи шахс томонидан текширилади ва у аризани ўз имзоси билан тасдиқлайди. Аризадаги маълумотларда хато ёки камчиликлар аниқланган тақдирда, шуъба мудири мазкур хато ёки камчиликларни бартараф этган ҳолда аризани қайта чоп этади.

Шуъба мудири тақдим этилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини шахсга қайтаради ҳамда унга аризанинг тегишли қисмини қирқиб олган ҳолда, ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат беради.

Шахснинг пенсияга бўлган ҳуқуқи мавжуд бўлмаса, ушбу Низомда белгиланган қоидалар асосида комиссия тегишли қарорни қабул қилади ва пенсия тайинлаш учун тақдим қилинган ҳужжатлар билан бирга пенсия тайинлашни рад қилиш тўғрисидаги қарор ҳамда хабарномани шахсга қайтаради ёки юборади.

Шахс томонидан пенсия ва компенсация пул тўловларини тайинлаш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар почта орқали юборилганда, шуъба мудири шахснинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ахборот тизимига киритади ва расмийлаштиради.

Бунда юборилган ҳужжатларнинг асл нусхалари пенсия ва компенсация пул тўловларини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг қайтарилади.

Шуъба мудири шахснинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг электрон нусхаларини ахборот тизимига юклайди ҳамда Пенсия жамғармасининг бўлими бошлиғига ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тегишли кўрсатма (резолюция) бериш учун ахборот тизими орқали юборади. Ҳужжатлар ахборот тизимига юкланганидан сўнг ариза автоматик тарзда ахборот тизимида қайд этилади.

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



Бўлим бошлиғи ариза ва бошқа ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, ахборот тизими орқали ўз кўрсатмасини (резолюциясини) берганидан сўнг ахборот тизимида пенсияга оид ҳужжатлар йиғма жилди шаклланиб, автоматик тарзда рақам берилади ва ҳужжатлар шуъба мутахассисига ижро учун юборилади.

Шуъба мудири лавозими мавжуд бўлмаган Пенсия жамғармаси бўлимларида ушбу вазифалар шуъба мутахассиси томонидан амалга оширилади.

187$^{2}$. Шуъба мутахассиси ахборот тизимида пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг ЖШШИРини киритиш орқали ушбу Низомнинг 77-бандида келтирилган ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида шахснинг иш стажи давомийлигини ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобини амалга оширади.

Ҳисоб-китобларни амалга оширганидан сўнг, шуъба мутахассиси ушбу Низомнинг 77-бандида келтирилган ахборот тизимларидаги маълумотлар билан ҳисоб-китобларни солиштиради.

Низомнинг 77-бандида келтирилган ахборот тизимларида маълумотлар қисман ёки умуман мавжуд бўлмаганда, шунингдек, хатоликлар аниқланган тақдирда иш стажи, ойлик иш ҳақи ва 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун ҳисобланган суғурта бадаллари, 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун эса меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар шахс томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ахборот тизимига киритилади.

Киритилган маълумотлар асосида иш стажи, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, компенсация пул тўловлари ва бошқа тўловлар микдорлари ахборот тизимида автоматик тарзда ҳисоблаб чиқилади.

Шуъба мутахассиси ахборот тизимидан олинган маълумотлар ва шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва асосида ҳисоб-китобларни, иш стажи, ойлик иш ҳақи ва бошқалар тўғрисидаги ҳужжатларни чоп этади ҳамда пенсия, уй-жой коммунал хизматлари учун компенсация пул тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш, тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилигини текшириш ва бошқалар тўғрисида комиссия қарори лойиҳасини тайёрлайди ҳамда комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этади.

187$^{3}$. Комиссия пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдидаги ҳужжатлар ва маълумотларни, пенсия, уй-жой коммунал хизматлари учун компенсация пул тўловига оид маълумотларни ахборот тизимига тўғри киритилганлигини текширади ҳамда пенсия, уй-жой коммунал хизматлари учун компенсация пул тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш, тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилигини текшириш ва бошқалар тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда тегишли қарорни қабул қилиш Пенсия жамғармаси бўлимига ариза келиб тушганидан сўнг ўн кун муддат ичида амалга оширилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилигини текшириш комиссия томонидан текшириш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг амалга оширилади. Пенсия тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилигини текшириш, текшириш санаси кўрсатилган ҳолда далолатнома билан расмийлаштирилади.

Комиссия томонидан ҳужжатларнинг асослилигини текшириш тугагунига қадар аризачи тақдим этган ҳужжатларга асосан қонунчиликда белгиланган миқдорда пенсия тайинланади ҳамда текшириш якунига мувофиқ қўшимча ҳужжатлар асосида пенсия қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Пенсия тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ишлари амалга оширилгандан сўнг, комиссия пенсия ёки бошқа тўловларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

187[4]. Пенсия ёки уй-жой коммунал хизматлари учун компенсация пул тўловларини тайинлаш бўйича комиссия қарори ҳар бир комиссия аъзоси томонидан алоҳида ахборот тизимида тасдиқланади ва автоматик тарзда қайд этилади.

Комиссия қарори қабул қилинганидан сўнг бу ҳақда шу куннинг ўзида шахсга хабар берилади.

Комиссиянинг пенсия уй-жой коммунал хизматлари учун компенсация пул тайинлашни рад этиш, текшириш ўтказиш ва қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги, ортиқча тўланган суммаларни пенсиядан чегириб қолиш тўғрисидаги қарорлари, шунингдек, аризаларни кўриб чиқишда қабул қилинган бошқа қарорлар ҳам ахборот тизимида тасдиқланади ҳамда ахборот тизимида автоматик тарзда қайд этилади. Бунда шуъба мутахассиси томонидан беш кун муддатда шахсга рад этиш сабаблари ва бошқа асословчи маълумотларни кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома ёки аризада кўрсатилган мобил телефон рақамга SMS-хабар юборилади.

187[5]. Комиссия томонидан пенсия ёки уй-жой коммунал хизматлари учун компенсация пул тўловларини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг, аризачига тўловларни тўлаш тартибига оид маълумотлар ахборот тизимига киритилади.

Ижродаги пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдларини сақлаш бўйича жавобгарлик Пенсия жамғармаси бўлимининг тегишли ҳудуд мутахассиси ва архивариусига юклатилади.

Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди Пенсия жамғармаси бўлими идоравий архивида махсус жиҳозланган шкафларда (стеллажларда) сақланади. Пенсия ёки нафақа тўловлари тўхтатилганлигига оид ҳужжатлар йиғмажилдлари ижродаги пенсия йиғмажилдларидан алоҳида Пенсия жамғармаси бўлими ҳаракатсиз архивида сақланади.

Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдларининг Пенсия жамғармаси бўлими архивидан берилиши ва қайтарилишини назорат қилиш Пенсия жамғармаси бўлими архивариусга юклатилади.

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



187[6]. Пенсия тайинлаш рад этилган шахсларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдлари ҳаракатсиз архивда алоҳида сақланади. Ушбу йиғмажилдларда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

шахснинг пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризаси;

аризага илова қилинган ҳужжатлар шахс томонидан қайтариб олинганлиги тўғрисидаги тилхат нусхаси;

шахснинг иш стажи ва иш ҳақи ҳисоб-китоби;

шахс томонидан тақдим этилган ёки Пенсия жамғармаси бўлими томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар нусхалари ёки кўчирмалари;

Комиссиянинг пенсия тайинлаш рад этилганлиги тўғрисидаги қарори ёки хабарнома нусхаси. Агар хабарнома шахснинг ўзига топширилган бўлса, унинг нусхасида қайтарилаётган ҳужжатларнинг олинган санаси кўрсатилган ҳолда шахснинг имзоси бўлиши лозим. Агар қайтарилаётган ҳужжатлар почта орқали жўнатилган бўлса, буюртма хат орқали жўнатилганлиги тўғрисида квитанция рақами ва санаси кўрсатилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди муқовасига тикилади ва алифбо тартибида сақланади. Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди муқовасида шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзили кўрсатилади";

32) 190 – 191-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"190. Ўзбекистон Республикаси доирасида пенсионернинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда, пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди Пенсия жамғармаси бўлимининг сўрови асосида почта орқали жўнатилади ёки пенсионернинг (ишончли вакилнинг) ўзига берилади. Бунда пенсионер (нафақа олувчи)га пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди билан бирга қайси муддатгача пенсия (нафақа) тўлови амалга оширилганлиги тўғрисида кузатув хати берилади.

Пенсионер (нафақа олувчи) доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида бошқа туман (шаҳар)га кўчиб ўтганда, пенсионер (нафақа олувчи) аввалги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдини ҳисобдан чиқариш тўғрисида ариза (ёки янги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимидан сўровнома) тақдим этади.

Аввалги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими (аввал ҳисобни юритган бўлим) томонидан кўчиб кетаётган пенсионер ёки нафақа олувчига у ҳисобдан чиққунга қадар бир ой олдинги пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлайди (тўлов тўхтатилган ҳамда пенсионер (нафақа олувчи) тўловни тиклаш масаласи бўйича мурожаат қилмаган ҳолатлар бундан мустасно).

Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар тўланган муддат пенсионер, нафақа ва бошқа тўловларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдига киритилади.

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдини ҳисобдан чиқариш аввалги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими шуъбаси томонидан расмийлаштирилади.

Шуъба мудири лавозими мавжуд бўлмаган Пенсия жамғармаси бўлимларида ушбу вазифалар шуъба мутахассиси томонидан амалга оширилади.

191. Пенсия таъминоти соҳасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг фуқаролари ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида 1992 йил 13 мартдаги Битим қатнашчилари бўлган давлатларга ва ижтимоий таъминот (пенсия таъминоти) тўғрисида икки томонлама шартномалар қатнашчилари бўлган давлатларга доимий яшаш учун жўнаб кетаётган шахснинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди, агар аҳдлашаётган давлатлар томонидан ўзгача ҳол белгиланмаган бўлса, Пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдидан аввал нусха олинади ва пенсионер ёки нафақа олувчи (ишончли вакил)нинг аризасига асосан пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди шахсан қўлига берилади ёки пенсия (нафақа) олувчининг янги яшаш манзили бўйича почта орқали жўнатилади.

Бунда кузатув хатининг нусхаси пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди олинганлиги тўғрисидаги далолатнома ва тилхат нусхаси пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди нусхасига тикилади ва Пенсия жамғармаси бўлими архивига сақлаш учун топширилади. Бу ҳақидаги тегишли ёзув пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдига ва ахборот тизимига пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида маълумот киритилади”;

33) қуйидаги мазмундаги $191^1$ ва $191^2$-бандлар билан тўлдирилсин:

“$191^1$. Пенсия жамғармаси бўлими пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдини пенсия ёки нафақа олувчи шахснинг яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан пенсия йиғмажилдини ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза ҳамда “Электрон ҳукумат” идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда олинган маълумотлар асосида ҳисобга олади.

Яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдини ҳисобга олиш пенсионер ёки нафақа олувчининг янги яшаш манзили бўйича Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ахборот тизимида расмийлаштирилади.

Пенсия ёки нафақа олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз манзилини ўзгартирганда, Пенсия жамғармаси бўлими кузатув хати нусхаси ва сўров хатини ҳаракатсиз архивда сақлаш учун юборади.

$191^2$. Пенсия ёки нафақа олувчининг янги яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлими пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдини олганидан сўнг назорат тариқасида пенсия ёки нафақа олувчининг аввалги яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлими томонидан қабул қилинган комиссия қарори асосида ахборот тизимида ҳисоб-китобларни (пенсия миқдори, ўртача иш ҳақи, меҳнат стажи ҳисоб-китоби ва бошқалар) қайтадан амалга оширади ва чоп этади. Бунда

комиссия Қонуннинг 65-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар асосида пенсия миқдорини назорат тариқасида кўриб чиқади.

Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар пенсионер (нафақа олувчи)га аввалги яшаш жойи бўйича тўлов тўхтатилган муддатдан бошлаб, лекин унинг томонидан ҳисобга қўйиш мақсадида мурожаат этилган санадан олдинги Қонуннинг 59-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида тўланиши бошланади.

Бошқа давлатдан келган шахснинг, шу жумладан, илгари Ўзбекистон Республикасидан кетган шахснинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдини ҳисобга қабул қилиб олишда, унинг бошқа давлатда пенсия ёки нафақа олганлигидан қатъи назар, пенсия ҳисобга қабул қилиш тўғрисида мурожаат қилинган вақтда амалда бўлган қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади ва Пенсия жамғармаси бўлимига ариза берган кундан бошлаб тўланади”;

34) 194-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“194. Пенсия жамғармаси бўлимида сақланаётган пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдлари уларни олиш ҳуқуқи бўлган ходимларга бўлим архивариуси томонидан берилади. Бунда пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдларини архивга қайтарилишини назорат қилиш архивариусга юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Пенсия жамғармаси ўртасида ахборот алмашинуви бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, вафот этган пенсия ёки нафақа олувчилар рўйхати ҳар куни Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этилади. Шуъба мутахассиси ушбу рўйхатга асосан вафот этган пенсия ёки нафақа олувчиларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдларини ахборот тизимида ёпиш ишларини амалга оширади.

Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдлари бутлигини таъминлаш учун барча зарур чоралар кўриши лозим. Маълум бир сабабларга кўра (ёнғин, сув тошқини ва фавқулодда тусга эга бўлган бошқа ҳодисаларда) пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди йўқолган ёки сақланмаган тақдирда, пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдининг дубликати тикланади.

Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди дубликатига пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш)га доир барча ҳужжатлар, шунингдек, Пенсия жамғармаси бўлими архивида пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома тикилади.

Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди муқовасида, шунингдек, унда мавжуд барча ҳужжатларда “Дубликат” белгиси ва унинг расмийлаштирилган санаси ёзилади.

Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди дубликати Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Қонунчиликда белгиланган сақлаш муддатлари тугагандан кейин пенсияга оид ҳужжатлар (пенсия йиғмажилдлари ва бошқалар) илмий-техник ишловдан сўнг Пенсия жамғармаси бўлимининг эксперт комиссияси қарорига биноан йўқ қилиниши мумкин.

Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдида меҳнат дафтарчаси ва ўлим тўғрисидаги гувоҳнома мавжуд бўлган тақдирда, ушбу ҳужжатлар пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдидан олиб қўйилиши ва қонунчиликда белгиланган муддат мобайнида сақланиши керак.

Пенсияга оид ҳужжатларни йўқ қилиш ҳолатини тасдиқлаш учун Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланадиган тегишли далолатнома тузилади";

35) 196-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ушбу Низомда белгиланган қоидаларга асосан ахборот тизимларидан олинган, фуқароларга пенсия ҳисоблаш ва тўлаш учун асос ҳисобланган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги учун жавобгарлик ахборот тизимларига маълумотларни киритган юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, ахборот тизимлари орқали тақдим этилмаганлиги ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилиши натижасида пенсияларни ортиқча ёхуд кам тўланиши учун жавобгарлик ушбу ахборот тизимларнинг эгаси бўлган вазирлик ва идораларга юкланади."

қуйидаги мазмундаги учинчи – еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

"Пенсионер пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига хабар бермаганлиги ёки пенсионер томонидан содир этилган суиистеъмолликлар (атайлаб нотўғри маълумотлар билан ҳужжатлар тақдим этилиши, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаслиги) натижасида унга пенсиялар суммасининг ортиқча тўланиши туфайли давлатга етказилган зарарни тўлаш мажбурияти пенсионерга юкланади.

Қуйидагилар:

Пенсия жамғармасининг бўлимлари шахс ёки ташкилот маъмурияти томонидан тақдим этилган электрон ёки қоғоз шаклидаги маълумотларга асосан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ пенсия, нафақа, компенсация ва бошқа тўловларни тўғри ва белгиланган муддатларда тайинлаш, қайта ҳисоблаб чиқиш, бир турдан бошқа турга ўтказиш, илгари тўхтатиб қўйилган (тўхтатилган) тўловлар тўланишини тиклаш, пенсия, нафақа, компенсация ва бошқа тўловларга ҳуқуқларини йўқотган фуқароларга тўловларни тўхтатиш, тўлов қайдномаларини ва талабномаларини тузиш орқали Пенсия жамғармаси маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланишга;

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари Қонун ва ушбу Низом қоидаларига мувофиқ тўлов қайдномаларидаги суммаларга мос маблағларни пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот, тижорат банклари филиаллари тегишли ҳисобварақларига молиялаштириш орқали Пенсия жамғармасининг маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланишга;

Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати Қонун ва ушбу Низом талаблари асосида Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари томонидан юборилган талабнома суммаларига мос равишдаги зарур маблағларни ҳудудий бошқармаларга молиялаштириш орқали Пенсия жамғармаси маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланишга жавобгардир";

учинчи – ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи – ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

36) $196^{3}$-банд қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Пенсия ёки нафақа олувчи вафот этган тақдирда, унинг пенсия ёки нафақасидан аниқланган ортиқча тўлов суммасининг қарздорлик миқдори ҳисобдан чиқарилади";

37) 197-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Текшириш (ўрганиш) ўтказилаётган санадан аввалги уч йил ва ундан ортиқ даврда тайинланган ва (ёки) қўшимча тақдим этилган ҳужжатларга биноан қайта ҳисобланган пенсияларнинг текширилишига (ўрганилишига) ҳамда улар бўйича тўланган ортиқча суммаларнинг ушлаб қолинишига (ундирилишига) йўл қўйилмайди";

38) 6-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат пенсияларини тайинлаш
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

Ҳаракатдаги армия таркибида ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги маълумотнома

НАМУНАСИ

Мудофаа ишлари бўлимининг штампи

____________ №_________

МАЪЛУМОТНОМА

Фуқаро ____________________________________________________га

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

ҳаракатдаги армия таркибида _____ йил __ сана__ ойдан _____ йил __ сана__ ойгача жанговар ҳаракатлар даврида ҳарбий хизматни ўтади (шу жумладан, байналмилал бурчни адо этиш, партизан отрядлари ва қўшилмаларида бўлиш даври).

Кўрсатиб ўтилган хизмат имтиёзли шартларда пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига қўшилади ва хизматнинг бир куни, ойи, йили уч ҳисса баробарида ҳисобланади.

Маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этиш учун берилди.

Мудофаа ишлари бўлими

бошлиғи ______________ ___________________

(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў. ”;

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



39) 8-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**Давлат пенсияларини тайинлаш
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова**

Ҳарбий хизматчи хотинининг ишга жойлашиш имконияти бўлмаган жойларда эри билан яшаган даври тўғрисидаги маълумотнома

НАМУНАСИ

Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимининг штампи

_____________№__________

МАЪЛУМОТНОМА

_______________________________________________________________

(ҳарбий хизматчи хотинининг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Фуқаро ______________ ишга жойлашиш имконияти бўлмаганлиги туфайли ________ дан ________ гача ишламаган ҳамда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида ишсиз сифатида ҳисобга турган.

Маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этиш учун берилди.

Камбағалликни қисқартириш
ва бандликка кўмаклашиш
бўлим бошлиғи ____________ ______________
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў. ”;

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-у.



40) 12-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
12-илова

## Иш ҳақи тўғрисидаги архив маълумотномасининг намунаси

Архивнинг штампи
___________ № _______

### АРХИВ МАЪЛУМОТНОМАСИ

Ушбу маълумотнома ____________________________________________ га

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

______________________________ архив фондида сақланаётган иш ҳақини ҳисоблаш

(архив фондининг номи)

тўғрисидаги дафтарлар (ҳисоб-китоб рақамлари, шахсий ҳисобварақлари, тўлов ведомостлари (керагининг тагига чизилсин) бўйича иш ҳақи ва бошқа даромадлар, шунингдек, ҳисобланган суғурта бадаллари ҳақидаги маълумотлар тўғрисида берилди.

| Ойлар | ______ й. | | ______ й. | | ______ й. | | ______ й. | | ______ й. | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Иш ҳақи (шу жумладан, бошқа тўловлар) | Ҳисобланган суғурта бадаллари | Иш ҳақи (шу жумладан, бошқа тўловлар) | Ҳисобланган суғурта бадаллари | Иш ҳақи (шу жумладан, бошқа тўловлар) | Ҳисобланган суғурта бадаллари | Иш ҳақи (шу жумладан, бошқа тўловлар) | Ҳисобланган суғурта бадаллари | Иш ҳақи (шу жумладан, бошқа тўловлар) | Ҳисобланган суғурта бадаллари |
| Январь | | | | | | | | | | |
| Февраль | | | | | | | | | | |
| Март | | | | | | | | | | |
| Апрель | | | | | | | | | | |
| Май | | | | | | | | | | |
| Июнь | | | | | | | | | | |
| Июль | | | | | | | | | | |
| Август | | | | | | | | | | |
| Сентябрь | | | | | | | | | | |
| Октябрь | | | | | | | | | | |
| Ноябрь | | | | | | | | | | |
| Декабрь | | | | | | | | | | |
| Ҳаммаси | | | | | | | | | | |

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



Ушбу архив маълумотномаси қуйидаги ҳужжатлар асосида берилди:

____________________________________________________________
(архив фонди, рўйхатлар, йиғмажилдлар, варақларнинг тартиб рақамлари)

____________________________________________________________

____________________________________________________________

____________________________________________________________

Тақдим этилаётган маълумотларнинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммамизга оламиз.

Архив маълумотномаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этиш учун берилди.

| | | |
|---|---|---|
| Директор | QR-kod | __________________ (Ф.И.О.) |
| Архивариус | | __________________ (Ф.И.О.) |

*Изоҳ: Агар иш ҳақини ҳисоблаш дафтарларига тузатишлар киритилган ҳоллар мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу тузатишлар кўрсатилиши керак.*

*Агар ходимга иш ҳақидан ташқари мукофотлар, тақдирлаш пуллари ва бошқа пулли рағбатлантиришлар ҳисоблаб ёзилган бўлса, у ҳолда уларнинг ҳисоблаб ёзилганлиги тўғрисидаги маълумотлар “Иш ҳақи” устунида тегишли ой учун иш ҳақидан алоҳида кўрсатилади.*

*1991 йил 1 январга қадар ва 2019 йилнинг 1 январидан кейинги даврлар учун ҳисобланган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотлар тўлдирилмайди.* ”;

41) 14-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
14-илова

Пенсия тўлови шаклини ўзгартириш бўйича ариза бланки намунаси

| QR-kod |
|---|

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ____________________ (шаҳар, вилоят, республика) __________________ тумани (шаҳар) бўлими бошлиғига) ________________

Фуқаро ____________________________________________________ дан
(Ф.И.О.)

Яшаш жойи ___________________________________________________

Туғилган санаси _____ паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси _____ рақами _____________

Берилган вақти ____ __________ томонидан берилган.

Телефон рақами ___________________

АРИЗА

Менга тайинланган пенсия, нафақа, ойлик компенсация ва бошқа тўловларни (кераклисининг тагига чизилсин) 20__ йил ________ ойидан қонунчилик ҳужжатларига амал қилган ҳолда, ойлик сумманинг 100 фоиз пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот орқали нақд пул шаклида ўтказиб беришингизни сўрайман. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тумани (шаҳар) бўлимини оила аъзолари таркиби, яшаш жойи ўзгарганлиги каби ўзгаришлар содир бўлганда, ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини оламан.

20__ й. "__" ___________ Ариза берувчининг имзоси _____________";

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



42) қуйидаги мазмундаги 22 – 27-иловалар билан тўлдирилсин:

"Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
22-илова

*Олд томони*

QR-код

_______________
_______________
_______________
(раҳбар кўрсатмаси)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ________ (республика, вилоят, шаҳар) __________ туман (шаҳар) бўлими бошлиғига

Фуқаро _______________________________________________________
(Ф.И.О.)

Манзили ___________________________________________________

Туғилган санаси _____ паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси _____ рақами _____________

Берилган вақти _________ ____________________ томонидан берилган.

Телефон рақами ____________________

## А Р И З А

Менга қонунчилик ҳужжатларига асосан ёшга, ногиронликка, боқувчисини йўқотганликка доир пенсия тайинлашингизни (қайта ҳисоблаш, тиклаш, бошқа турдаги пенсияга ўтказиш, улушини ажратиш, яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан ҳисобга қўйиш) ёки нафақани қайта ҳисоблашингизни (тиклаш, бошқа турдаги нафақага ўтказиш, улушини ажратиш, яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан ҳисобга қўйиш) сўрайман (кераклигининг тагига чизилсин).

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақини (*охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги*) _____ йил ___ ойидан _____ йил ___ ойигача олишингизни сўрайман.

Сизга маълум қиламанки, менга авваллари пенсия (нафақа) бошқа асосларга кўра ёки бошқа муассаса томонидан тайинланмаган, тайинланган (*кераклигининг тагига чизилсин*).

Ҳозирги кунда ишлайман/ишламайман (*кераклиги тагига чизилсин*).

Иш жойи _____________________________________________

Менга пенсия (нафақа) нақд пул шаклида, тижорат банкининг пластик (банк) карточкаси, манзил-колонияси (*кераклигининг тагига чизилсин*) орқали тўлансин.

Қонунчилик ҳужжатларига асосан ҳар хил турдаги пенсия (нафақа) олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга фақатгина битта турдаги пенсия олиш мумкинлиги ҳамда пенсия (нафақа) тайинлаш муддати тўғрисида танишдим.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси _______________ туман (шаҳар) бўлимини тўлиқ давлат таъминотига ўтганлиги, оила аъзолари таркиби ўзгарганлиги, яшаш жойи ўзгарганлиги каби ўзгаришлар содир бўлганда ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини оламан.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини кафолатлайман.

Иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни Халқ банки филиалига шахсий жамғарилиб бориладиган пенсия ҳисобварағига (ШЖБПҲ) киритилган жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари орқали, шунингдек, пенсия ва нафақага оид шахсий маълумотларимни тегишли ташкилот ва идоралар орқали текширишга розилик бераман.

20___ й. "____"_________ Ариза берувчи имзоси ____________________

<table>
<tr><td rowspan="5">QR-код</td><td colspan="3">Паспорт (идентификацияловчи ID-карта) маълумотлари ва тақдим этилган ҳужжатлар текширилди. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни 20___ йил "____" ________ қабул қилинди ва ___-сон билан қайд этилди.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Пенсия тайинлаш учун етишмаётган ҳужжатлар</td><td rowspan="2">Ҳужжат тақдим этишнинг сўнгги санаси</td></tr>
<tr><td>ҳужжат номи</td><td>тақдим этиш санаси</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>

Ариза берувчи имзоси ________ Қабул қилувчи имзоси ____________

*Орқа томони*

Аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати

| Т/р | Ҳужжат номи | Сони | Санаси |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |

Қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати

| Т/р | Ҳужжат номи | Сони | Санаси |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ____________________ туман (шаҳар) бўлими пенсия тайинлаш бўйича комиссиясининг 20 __ йил "___" ________ даги_____-сон қарорининг қисқача мазмуни.

___________________________________________________________________________

___________________________________________________________________________

___________________________________________________________________________

Комиссия аъзолари имзолари:

Раис ____________________________________________

Аъзолар 1. ____________________________________________

2. ____________________________________________

М.Ў. 3. ____________________________________________

4. ____________________________________________

--------------------------------- кесиш чизиғи ----------------------------

<table>
<tr><td rowspan="5">QR-код</td><td colspan="3">Паспорт (идентификацияловчи ID-карта) маълумотлари ва тақдим этилган ҳужжатлар текширилди. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни 20___ йил "____" _________да қабул қилинди ва __________-сон билан қайд этилди.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Пенсия тайинлаш учун етишмаётган ҳужжатлар</td><td rowspan="2">Охирги ҳужжатни тақдим этиш санаси</td></tr>
<tr><td>ҳужжат номи</td><td>тақдим этиш санаси</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td></tr>
</table>

Аризачи имзоси __________ Қабул қилувчи имзоси ____________.

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
23-илова

## Пенсия гувоҳномаси (намуна)

| | |
|---|---|
| | PENSIYA GUVOHNOMASI |
| O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Pensiya jamg‘armasi<br><br>Fotosurat joyi<br><br>PENSIYA GUVOHNOMASI<br>№__________ | QR-код<br><br>__________<br>Familiya<br>__________<br>Ism<br>__________<br>Otasining ismi<br>№__________<br>(JSHSHIR raqami)<br>__________<br>Pensiya yoki nafaqa turi<br>Tayinlash sanasi __________<br>Amal qilish muddati __________ |

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
24-илова

*Олд томони*

| | | |
|---|---|---|
| QR-код | ________________<br>________________<br>________________<br>________________<br>(раҳбар кўрсатмаси) | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ________ (республика, вилоят, шаҳар) _________ туман (шаҳар) бўлими бошлиғига |

Фуқаро_______________________________________________

(Ф.И.О.)

Манзили______________________________________________

Туғилган санаси ___________ паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси _______ рақами ___________

Берилган вақти _______ __________________________ томонидан берилган.

Телефон рақами ___________________

АРИЗА

_________________________муносабати билан уй-жой коммунал хизматлари тўлови учун компенсация тўловлари тайинлашингизни сўрайман.

Мен _____________________________________________
Сизга маълум қиламанки, ___________________________
__________________________________________________

(керакли маълумот кўрсатилади)

Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини кафолатлайман.

20___ й.“____” ________ Ариза берувчи имзоси ___________

| | |
|---|---|
| QR-код | Паспорт (идентификация ID-карта) маълумотлари ва тақдим этилган ҳужжатлар текширилди.<br>Ариза илова қилинган ҳужжатлар билан 20__ йил “___” ______да қабул қилинди ва _________-сон билан қайд этилди. |

Ариза берувчи имзоси __________ Қабул қилувчи имзоси ___________

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



*Орқа томони*

Аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати

| Т/р | Ҳужжат номи | Сони | Санаси |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
25-илова

**Пенсия тўлашни тўхтатиб туриш бўйича давлат хизматини кўрсатиш**
**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Мурожаатчи (пенсионер) | 1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига бевосита ташриф буюриб, пенсия тўлашни тўхтатиб туриш бўйича ариза беради.<br>2. Пенсия тўлашни тўхтатиб туриш бўйича Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилади.<br>3. Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан рўйхатдан ўтган ҳолда, пенсия тўлашни тўхтатиб туриш бўйича сўровнома шаклини тўлдиради. | 1. Хоҳишига кўра<br>2. Мурожаат қилинганда<br>3. Мурожаат қилинганда |
| 2-босқич | 1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими<br>2. Давлат хизматлари маркази<br>3. Ягона интерактив давлат хизматлари портали | 1. Аризани қабул қилади, ахборот тизимида расмийлаштиради ва пенсия тўловини тўхтатади.<br>2. Сўровномани тўлдириб, электрон шаклда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади.<br>3. Сўровномани Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. | 1. Ариза берилганидан сўнг 5 дақиқа ичида<br>2. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг 5 дақиқа ичида<br>3. Автоматик тарзда |
| 3-босқич | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими | 1. Пенсия тўловини тўхтатади.<br>2. Пенсия тўлови тўхтатилганлиги ҳақидаги маълумотни Давлат хизматлари марказига юборади.<br>3. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали пенсия тўловини тўхтатиб туриш учун мурожаат қилган пенсионернинг мобил телефон рақамига (мавжуд бўлганида) пенсия тўлови тўхтатилганлиги ҳақида SMS-хабар юборади. | Маълумотлар ўрганилганидан сўнг 5 дақиқа ичида |
| 4-босқич | Давлат хизматлари маркази | 1. Пенсия тўлови тўхтатилганлиги тўғрисида пенсионерни хабардор қилади. | Маълумот олинганидан сўнг 5 дақиқа ичида |

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-у.



Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
26-илова

QR-код ________________________
________________________
________________________
________________________
(раҳбар кўрсатмаси)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси _____ (республика, вилоят, шаҳар) _________ туман (шаҳар) бўлими бошлиғига

Фуқаро ______________________________________________
(Ф.И.О.)
Манзили______________________________________________
Туғилган санаси ___________ паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси _______ рақами ___________
Берилган вақти _______ _____________ томонидан берилган.
Телефон рақами ___________________

**А Р И З А**

Менга тўланиб келаётган _______________ пенсияни 20 __ йил “__” ____ дан бошлаб тўхтатиб туришингизни сўрайман.

20___ йил “__” ________.            Ариза берувчи имзоси __________

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
27-илова

______________________ *(сана)*  ______________ *(рақам)*

Пенсия тўловини тўхтатиб туриш бўйича
СЎРОВНОМА

| I. Мурожаат қилувчи тўғрисида маълумотлар | | |
|---|---|---|
| 1. Пенсия тури | Ёшга доир | ☐ |
| | Ногиронлик | ☐ |
| | Боқувчисини йўқотганлик | ☐ |
| 2. Фамилияси: | | |
| 3. Исми: | | |
| 4. Отасининг исми: | | |
| 5. Туғилган санаси: | | |
| 6. Паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси ва рақами: | | |
| 7. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами: | | |
| 8. Маҳалла фуқаролар йиғини номи: | | |
| 9. Телефон рақами: | | |
| 10. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса): | | |

".

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



**3.** Қуйидаги мазмундаги $1^1$-илова билан тўлдирилсин:

"Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 3 октябрдаги 592-сон қарорига
$1^1$-илова

**Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида**
**низом**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини (кейинги ўринларда – ИҲЯТК) қўллаган ҳолда, пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини қайта ҳисоблаб чиқиш тартибини белгилайди.

2. ИҲЯТК – тегишли ой учун пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг айнан шу ой учун пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори нисбати сифатида аниқланадиган миқдор.

3. ИҲЯТКдан пенсионернинг (ёки пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг) пенсиясини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини қайта ҳисоблаб чиқиш учун фойдаланилади.

4. Шахснинг ИҲЯТКи, ишдаги мавжуд танаффусларидан қатъи назар (пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг танлашига кўра), меҳнат фаолиятининг охирги ўн йили мобайнидаги исталган кетма-кет олтмиш ойидан ҳар бир ойи учун аниқланади, бунда шахснинг пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақи тегишли ойдаги пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорига бўлинади ва қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{ИҲЯТК}i = \text{ИҲ}i \div \text{ПҲБМ}i,$$ бунда:

ИҲЯТКi – i ой учун иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти;

ИҲi – i ой учун иш ҳақи, сўм;

ПҲБМi – i ой учун пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори, сўм.

5. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, яъни пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахс олтмиш ойдан кам ишлаган тақдирда, якка тартибдаги иш ҳақи коэффициентлари унинг тегишли ой учун пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини айнан шу ойдаги пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорига бўлиш йўли билан мавжуд иш стажидан ҳар бир ой учун аниқланади.

6. ИҲЯТК вергулдан кейинги тўрт белгили миқдордан иборат бўлади.

7. ИҲЯТКни ҳисоблашда вергулдан кейин тўрт белгигача яхлит қилиб ҳисобланади. Агар вергулдан кейинги бешинчи белги “5” га тенг ва ундан юқори бўлса, у ҳолда тўртинчи белги бир бирликка кўпайтирилади.

Мисол. ИҲЯТК 5,62316 ни ташкил қилди. У яхлит қилиб ҳисоблангач – 5,6232 ҳосил бўлади.

8. ИҲЯТКни қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

ҚҲИҲі= ИҲЯТКі × ПҲБМ, бунда:

ҚҲИҲі – ИҲЯТКни қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи;

ПҲБМ – олдинги 12 ойдаги пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори, сўм.

9. Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

ПҲКИ = Σ ҚҲИҲі ÷ 60, бунда:

Σ – сумма белгиси шуни кўрсатадики, пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақини белгилашда, ИҲЯТКни қўллаган ҳолда пенсияни ҳисоблаш учун қайта ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи миқдори шахснинг ишдаги мавжуд танаффусларидан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охирги ўн йили мобайнидаги исталган кетма-кет беш йилнинг тегишли ойлари учун жамланиши керак.

10. Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи бир тийингача яхлит қилиб ҳисобланади, ярим тийиндан кам сумма эса ташлаб юборилади.

11. 2011 йил 1 октябрга қадар тайинланган пенсияларга пенсияни ҳисоблаш учун ИҲЯТКни қўллаган ҳолда иш ҳақини қайта ҳисоблаб чиқиш механизми қўлланмайди.

12. Пенсия миқдори ИҲЯТКни қўллаган ҳолда қуйидаги ҳолатларда мурожаат қилинган санада қайта ҳисоблаб чиқилади:

пенсионер томонидан пенсия миқдорига таъсир кўрсатадиган (иш стажи ёки иш ҳақи тўғрисидаги ва бошқа) қўшимча ҳужжатлар тақдим этилганда;

пенсиянинг бир тури пенсиянинг бошқа турига ўтказилганда;

бошқа давлатдан келган шахснинг, шу жумладан, илгари Ўзбекистон Республикасидан кетган шахснинг пенсия ҳужжатлари йиғмажилди ҳисобга қабул қилиб олинганда, у пенсияни бошқа давлатда олганлиги ҳолатидан қатъи назар;

битта боқувчининг вафоти муносабати билан боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган шахсга иккинчи боқувчисининг вафоти муносабати билан чин етим сифатида боқувчисини йўқотганлик пенсияси расмийлаштирилганда.

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-у.



13. 2011 йил 1 октябргача ва ундан кейин тайинланган пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақи қуйидаги ҳолларда ИҲЯТКни қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилмайди:

I ва II гуруҳлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик гуруҳи ўзгарганда ёки уларга пенсиялар тўлаш муддати узайтирилганда;

боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган оила аъзолари сони ўзгарганда;

фахрий унвонлар учун пенсияга устама ҳақ ва қўшимча тўловлар белгиланганда;

боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчига улуш ажратилганда;

илгари тўхтатиб қўйилган пенсияларни тўлаш тикланганда;

пенсионер Ўзбекистон Республикаси доирасида доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳар)га кетганда.

Бунда охирги марта 2011 йил 1 октябргача қайта ҳисоблаб чиқилган пенсиялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига биноан оширишларни ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ёки халқаро шартномаларига мувофиқ пенсия олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда, пенсиялар тайинлаш учун яшайдиган мамлакатида олинган иш ҳақи қабул қилинади.

ИҲЯТКни қўллаш мақсадида хорижий фуқаронинг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаётган мамлакатида тегишли ой учун ҳисоблаб чиқилган ҳар ойлик иш ҳақи кўрсатиб ўтилган иш ҳақи, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳисоблаб чиқилган ойнинг 15-санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган хорижий валютанинг сўмга нисбатан курси бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига ўтказилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари билан иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорлари оширилган тақдирда, илгари тайинланган барча пенсиялар миқдорлари ушбу фармонлар ва қарорларда назарда тутилган шартларга мувофиқ оширилади (қайта ҳисоб-китоб қилинади).

16. Ўзбекистон Республикасида пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг белгиланган миқдорлари ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

17. Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини ИҲЯТКни қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқишга мисол ушбу Низомга 2-иловада келтирилган.

Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ўзбекистон Республикасида белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорлари**

| Ўзгартиришлар санаси ва даври | Белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори |
|---|---|
| **Сўмларда** | |
| 01.01.1973 йилдан | 70,00 |
| 01.01.1992 йилдан | 350,00 |
| 01.03.1992 йилдан | (350,00 + 550,00) ÷ 2 = 450,00 |
| 01.04.1992 йилдан | 550,00 |
| 01.07.1992 йилдан | 1000,00 |
| 01.09.1992 йилдан | 1250,00 |
| 01.10.1992 йилдан | 2000,00 |
| 01.01.1993 йилдан | 2500,00 |
| 01.04.1993 йилдан | 3 000,00 |
| 01.06.1993 йилдан | 7 500,00 |
| 01.07.1993 йилдан | 11 250,00 |
| 01.09.1993 йилдан | 13 500,00 |
| 01.11.1993 йилдан | 16 200,00 |
| **Сўм-купонларда** | |
| 01.12.1993 йилдан | 24 300,00 |
| 01.01.1994 йилдан | 30 000,00 |
| 01.03.1994 йилдан | 45 000,00 |
| 01.06.1994 йилдан | 70 000,00 |
| **Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўм)** | |
| 01.07.1994 йилдан | 70,00 |
| 01.08.1994 йилдан | 100,00 |
| 01.03.1995 йилдан | 150,00 |
| 01.09.1995 йилдан | 250,00 |
| 01.04.1996 йилдан | 400,00 |
| 01.09.1996 йилдан | 550,00 |
| 01.12.1996 йилдан | 600,00 |
| 01.07.1997 йилдан | 750,00 |
| 01.07.1998 йилдан | 1 100,00 |
| 01.01.1999 йилдан | 1 320,00 |
| 01.08.1999 йилдан | 1 750,00 |
| 01.08.2000 йилдан | 2 450,00 |
| 01.08.2001 йилдан | 3 430,00 |
| 01.04.2002 йилдан | 3 945,00 |
| 01.08.2002 йилдан | 4 535,00 |
| 01.05.2003 йилдан | 5 440,00 |
| 01.08.2004 йилдан | 6 530,00 |
| 01.05.2005 йилдан | 7 835,00 |

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.



| | |
|---|---|
| 01.10.2005 йилдан | 9 400,00 |
| 01.07.2006 йилдан | 10 800,00 |
| 01.11.2006 йилдан | 12 420,00 |
| 01.08.2007 йилдан | 15 525,00 |
| 01.11.2007 йилдан | (15 525,00 + 18 630,00) ÷ 2 = 17 077,50 |
| 01.12.2007 йилдан | 18 630,00 |
| 01.04.2008 йилдан | 20 865,00 |
| 01.09.2008 йилдан | 25 040,00 |
| 01.11.2008 йилдан | (25 040,00 + 28 040,00) ÷ 2 = 26 540,00 |
| 01.12.2008 йилдан | 28 040,00 |
| 01.08.2009 йилдан | 33 645,00 |
| 01.12.2009 йилдан | 37 680,00 |
| 01.08.2010 йилдан | 45 215,00 |
| 01.12.2010 йилдан | 49 735,00 |
| 01.08.2011 йилдан | 57 200,00 |
| 01.12.2011 йилдан | 62 920,00 |
| 01.08.2012 йилдан | 72 355,00 |
| 01.12.2012 йилдан | 79 590,00 |
| 01.08.2013 йилдан | (79 590,00 + 91 530,00) ÷ 2 = 85 560,00 |
| 01.09.2013 йилдан | 91 530,00 |
| 01.12.2013 йилдан | (91 530,00 + 96 105,00) ÷ 2 = 93 817,50 |
| 01.01.2014 йилдан | 96 105,00 |
| 01.09.2014 йилдан | 107 635,00 |
| 01.12.2014 йилдан | (107 635,00 + 118 400) ÷ 2 = 113 017,50 |
| 01.01.2015 йилдан | 118 400,00 |
| 01.09.2015 йилдан | 130 240,00 |
| 01.10.2016 йилдан | 149 775,00 |
| 01.12.2017 йилдан | 172 240,00 |
| 01.07.2018 йилдан | (172 240,00 + 184 300,00) ÷ 2 = 178 270,00 |
| 01.08.2018 йилдан | 184 300,00 |
| 01.11.2018 йилдан | 202 730,00 |
| 01.08.2019 йилдан | 223 000,00 |
| 01.02.2020 йилдан | 238 610,00 |
| 01.09.2020 йилдан | 262 470,00 |
| 01.09.2021 йилдан | 289 000,00 |
| 01.05.2022 йилдан | 324 000,00 |
| 01.04.2023 йилдан | 347 000,00 |

Изоҳ: пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг кейинги ўзгаришларида ушбу жадвалга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг тегишли миқдори қўшилади.

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-у.



Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган
амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги
коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб
чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

## Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқишга мисол

1. Эркак киши 2023 йил 12 июнда 60 ёшга тўлгач ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаат қилди ва унинг охирги ўн йил мобайнида меҳнат фаолиятининг кетма-кет 5 йиллик даври учун 2018 йил апрель – 2023 йил март ойлари танланди.

2. Пенсия тайинланиш санасидан олдинги 12 ой учун ўртача пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорини аниқлаймиз.

Ўртача пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори = (324 000 сўм (2022 йил июнь – 2023 йил март ойларидаги пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори) × 10 + 347 000 сўм (2023 йил апрель – май ойларидаги пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори) × 2 ÷ 12 = 327 833,33 сўм.

3. Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар асосида (маълумотнома бўйича) иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини ва ҳар бир ой учун ҳисоблаб чиқилган иш ҳақини аниқлаймиз:

| Даврлар | Пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори | Пенсияни ҳисоблаш учун қўлланиладиган иш ҳақи | Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти | Ўртача пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори | Қайта ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи |
|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4 (3 ÷ 2)* | *5* | *6 (4 × 5)* |
| **2018 йил** | | | | | |
| Апрель | 172 240 | 1 700 000 | 9,8699 | 327 833,33 | 3 235 682,18 |
| Май | 172 240 | 1 700 000 | 9,8699 | 327 833,33 | 3 235 682,18 |
| Июнь | 172 240 | 1 700 000 | 9,8699 | 327 833,33 | 3 235 682,18 |
| Июль | 178 270 | 1 900 000 | 10,6579 | 327 833,33 | 3 494 014,84 |
| Август | 184 300 | 2 000 000 | 10,8518 | 327 833,33 | 3 557 581,73 |
| Сентябрь | 184 300 | 2 200 000 | 11,9370 | 327 833,33 | 3 913 349,46 |
| Октябрь | 184 300 | 2 000 000 | 10,8518 | 327 833,33 | 3 557 581,73 |
| Ноябрь | 202 730 | 2 100 000 | 10,3586 | 327 833,33 | 3 395 594,33 |
| Декабрь | 202 730 | 2 200 000 | 10,8518 | 327 833,33 | 3 557 581,73 |
| **Жами:** | | **17 500 000** | | | **31 182 750,36** |
| **2019 йил** | | | | | |
| Январь | 202 730 | 2 200 000 | 10,8518 | 327 833,33 | 3 557 581,73 |
| Февраль | 202 730 | 2 200 000 | 10,8518 | 327 833,33 | 3 557 581,73 |
| Март | 202 730 | 2 500 000 | 12,3316 | 327 833,33 | 4 042 709,49 |
| Апрель | 202 730 | 2 200 000 | 10,8518 | 327 833,33 | 3 557 581,73 |
| Май | 202 730 | 2 200 000 | 10,8518 | 327 833,33 | 3 557 581,73 |
| Июнь | 202 730 | 2 200 000 | 10,8518 | 327 833,33 | 3 557 581,73 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Июль | 202 730 | 2 200 000 | 10,8518 | 327 833,33 | 3 557 581,73 |
| Август | 223 000 | 2 500 000 | 11,2107 | 327 833,33 | 3 675 241,11 |
| Сентябрь | 223 000 | 2 800 000 | 12,5560 | 327 833,33 | 4 116 275,29 |
| Октябрь | 223 000 | 2 500 000 | 11,2107 | 327 833,33 | 3 675 241,11 |
| Ноябрь | 223 000 | 2 500 000 | 11,2107 | 327 833,33 | 3 675 241,11 |
| Декабрь | 223 000 | 2 800 000 | 12,5560 | 327 833,33 | 4 116 275,29 |
| **Жами:** | | **28 800 000** | | | **44 646 473,78** |
| **2020 йил** | | | | | |
| Январь | 223 000 | 2 500 000 | 11,2107 | 327 833,33 | 3 675 241,11 |
| Февраль | 238 610 | 2 700 000 | 11,3155 | 327 833,33 | 3 709 598,04 |
| Март | 238 610 | 3 100 000 | 12,9919 | 327 833,33 | 4 259 175,24 |
| Апрель | 238 610 | 2 700 000 | 11,3155 | 327 833,33 | 3 709 598,04 |
| Май | 238 610 | 2 700 000 | 11,3155 | 327 833,33 | 3 709 598,04 |
| Июнь | 238 610 | 2 700 000 | 11,3155 | 327 833,33 | 3 709 598,04 |
| Июль | 238 610 | 2 700 000 | 11,3155 | 327 833,33 | 3 709 598,04 |
| Август | 238 610 | 2 700 000 | 11,3155 | 327 833,33 | 3 709 598,04 |
| Сентябрь | 262 470 | 3 400 000 | 12,9538 | 327 833,33 | 4 246 687,39 |
| Октябрь | 262 470 | 3 100 000 | 11,8108 | 327 833,33 | 3 871 973,89 |
| Ноябрь | 262 470 | 3 100 000 | 11,8108 | 327 833,33 | 3 871 973,89 |
| Декабрь | 262 470 | 3 400 000 | 12,9538 | 327 833,33 | 4 246 687,39 |
| **Жами:** | | **34 800 000** | | | **46 429 309,15** |
| **2021 йил** | | | | | |
| Январь | 262 470 | 3 100 000 | 11,8108 | 327 833,33 | 3 871 973,89 |
| Февраль | 262 470 | 3 100 000 | 11,8108 | 327 833,33 | 3 871 973,89 |
| Март | 262 470 | 3 400 000 | 12,9538 | 327 833,33 | 4 246 687,39 |
| Апрель | 262 470 | 3 100 000 | 11,8108 | 327 833,33 | 3 871 973,89 |
| Май | 262 470 | 3 100 000 | 11,8108 | 327 833,33 | 3 871 973,89 |
| Июнь | 262 470 | 3 100 000 | 11,8108 | 327 833,33 | 3 871 973,89 |
| Июль | 262 470 | 3 100 000 | 11,8108 | 327 833,33 | 3 871 973,89 |
| Август | 262 470 | 3 100 000 | 11,8108 | 327 833,33 | 3 871 973,89 |
| Сентябрь | 289 000 | 3 900 000 | 13,4948 | 327 833,33 | 4 424 045,22 |
| Октябрь | 289 000 | 3 500 000 | 12,1107 | 327 833,33 | 3 970 291,10 |
| Ноябрь | 289 000 | 3 500 000 | 12,1107 | 327 833,33 | 3 970 291,10 |
| Декабрь | 289 000 | 3 900 000 | 13,4948 | 327 833,33 | 4 424 045,22 |
| **Жами:** | | **39 900 000** | | | **48 139 177,80** |
| **2022 йил** | | | | | |
| Январь | 289 000 | 3 500 000 | 12,1107 | 327 833,33 | 3 970 291,10 |
| Февраль | 289 000 | 3 500 000 | 12,1107 | 327 833,33 | 3 970 291,10 |
| Март | 289 000 | 3 900 000 | 13,4948 | 327 833,33 | 4 424 045,22 |
| Апрель | 289 000 | 3 500 000 | 12,1107 | 327 833,33 | 3 970 291,10 |
| Май | 324 000 | 3 900 000 | 12,0370 | 327 833,33 | 3 946 129,73 |
| Июнь | 324 000 | 3 900 000 | 12,0370 | 327 833,33 | 3 946 129,73 |
| Июль | 324 000 | 3 900 000 | 12,0370 | 327 833,33 | 3 946 129,73 |
| Август | 324 000 | 3 900 000 | 12,0370 | 327 833,33 | 3 946 129,73 |
| Сентябрь | 324 000 | 4 400 000 | 13,5802 | 327 833,33 | 4 452 042,18 |
| Октябрь | 324 000 | 3 900 000 | 12,0370 | 327 833,33 | 3 946 129,73 |
| Ноябрь | 324 000 | 3 900 000 | 12,0370 | 327 833,33 | 3 946 129,73 |
| Декабрь | 324 000 | 4 400 000 | 13,5802 | 327 833,33 | 4 452 042,18 |
| **Жами** | | **46 600 000** | | | **48 915 781,26** |

| 2023 йил | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Январь | 324 000 | 4 400 000 | 13,5802 | 327 833,33 | 4 452 042,18 |
| Февраль | 324 000 | 3 900 000 | 12,0370 | 327 833,33 | 3 946 129,73 |
| Март | 324 000 | 4 400 000 | 13,5802 | 327 833,33 | 4 452 042,18 |
| **Жами** | | **12 700 000** | | | **12 850 214,09** |
| **Ҳаммаси** | | **180 300 000** | | | **232 163 706,44** |

4. Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқамиз:

ўртача ойлик иш ҳақи = 232 163 706,44 сўм ÷ 60 = 3 869 395,10 сўм”.

QMMB: 09/23/481/0716-son
20.09.2023-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ I9 ”сентябрдаги 48I- сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Чўпонлар кўп йиллик хизмати учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган жумҳуриятдаги сувсиз чўл ноҳияларининг ва сувсиз чўл ноҳиялари ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 1991 йил 9 августдаги 215-сон қарори.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 269-банди.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 ноябрдаги 630-сон қарорга 5-илованинг 3-банди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM 1